

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ ВОХИД ТОЖИМАМАТОВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ  
ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Жўраев Вохид Тожимаматович**

Электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш  
методикасини такомиллаштириш..... 3

**Жураев Вохид Тожимаматович**

Совершенствование методики использования педагогического  
программного обеспечения в среде электронного образования..... 25

**Juraev Voxid Tojimatovich**

Improving the methodology of using pedagogical software in the e-learning  
environment..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ ВОХИД ТОЖИМАМАТОВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ  
ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped1043 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турсунов Самар Кузиевич**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Мўминов Баҳодир Болтаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "15" XI соат 8<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1439 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил "4" XI да тарқатилди.  
(2021 йил "4" XI да 32 рақамдаги Олий аттестация комиссияси).



**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доц

**Н.А.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибасида олий таълим муассасаларида мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнига педагогик дастурий воситалар, масофавий таълим шакллари, очик таълим ресурслари, электрон таълим маҳсулотларидан фойдаланиш кенг татбиқ этилган. Копенгаген Декларацияси асосида<sup>1</sup> аниқ ва табиий фанларни ўқитишда таълим хизматларини визуаллаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларини амалда қўллаш орқали таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, шунингдек, таҳлилий натижаларни умумлаштириш ҳамда хулосалаш механизмлари бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг ташкилий-услубий асосларини ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари асосида педагогик дастурий воситаларни ишлаб чиқишга қаратилган кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Россияда педагогик дастурий воситалар фани умумкасбий фанлар тизимида информатика, компьютер технологиялари йўналишларида ўқитилади (Санкт-Петербург давлат университети). АҚШ, Буюк Британия, Европа олий таълим муассасаларида таълимий-дастурий таъминот яратиш ва фойдаланишни ўргатишга оид фанлар ўқитилиши билан бирга, кўплаб таълим муассасаларида мутахассислар ҳам тайёрланади. Олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлаш самарадорлигига эришишда инновацион электрон таълим муҳити шароитида амалий ва лаборатория машғулотларини, талабалар мустақил ишларини ташкил этишда электрон таълим ресурсларини қўллашга оптимал ёндашув билан боғлиқ илмий ишланмалар кўламини ошириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда халқаро таълим стандартларига уйғун ҳолда олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш орқали, соҳанинг илмий-назарий ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали методлари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада, “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”<sup>2</sup> устувор вазифалар этиб белгиланган. Бу эса, ҳозирги кундаги глобал ўзгаришлар,

<sup>1</sup> Incheon dekloration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all – Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea. – 48 p.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б. 39.

олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик дастурий воситаларнинг янги авлодларини яратиш ва уларни қўллаш методикасини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятларини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда педагогик дастурий воситаларни яратишга қўйиладиган талаблар А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Бегимқулов, Қ.Т.Олимов, Ш.Позилова, Н.Рахимов, Н.Тайлоқов, С.Турсунов, Ф.М.Закирова, А.Ҳайитов, Ф.Ғаффаровлар томонидан ўрганилган. Жумладан, А.Ҳайитов ўз диссертациясида педагогик дастурий воситаларга қўйиладиган қатор талабларни ишлаб чиқиш тўғрисида фикр юритган.

Информатика ўқитиш назарияси ва методикаси масалалари С.А.Бешенков, С.Г.Григорьев, В.В.Гриншкун, С.Д.Каракозов, А.А.Кузнецов, М.П.Лапчик, Р.М.Магомедов, Е.И.Машбиц, В.М.Монахов, Г.М.Нурмухамедов, С.В.Панюкова, И.В.Роберт, Н.И.Рыжова, М.А.Сурхаев, Е.К.Хеннерлар илмий тадқиқотларидан ўрин олган. Инновацион фаолият ва илғор педагогик тажрибалар бўйича Т.Л.Аязбаев, Р.В.Бессолицина, С.Г.Григорьева, О.Г.Деменченко, В.И.Дружинин, В.Ермоленко, В.И.Загвязинский, Д.А.Иванов, Л.Кларина, О.Г.Красношлыкова, В.А.Куклев, И.М.Кунгурова, Б.П.Мартиросян, Л.Мартынова, В.П.Тихомирова, Н.В.Тихомирова, А.В.Хуторский, Т.П.Черных, В.В.Чехалар тадқиқотлар олиб боришган.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш соҳасидаги ишларни Э.Г.Азимов, Т.А.Болдова, Л.А.Дунаева, С.М.Кащук, Е.С.Полат, И.В.Роберт, О.И.Руденко-Моргун, Е.А.Хамраевалар; ахборот ва коммуникация технологияларининг педагогик имкониятлари С.А.Бешенков, И.В.Воронина,

С.Г.Григорьев, В.В.Гриншкун, С.В.Зенкина, Ю.М.Зубарева, А.А.Кузнецов, Е.И.Машбиц, Ш.Х.Позилова, Е.С.Полат, И.В.Роберт, В.В.Рубцов, А.Л.Семенов, И.П.Томиналарнинг илмий тадқиқотларида атрофлича ёритилган.

Инновацион муҳитда информатика фанини ўқитиш билан боғлиқ қатор муаммолар В.Н.Khan, G.T.Doran, D.U.Im, Yu.Zhang, Ji-Seong Jeong, S.Hurlebaus, P.Tchounikine, M.Hamiltonлар томонидан ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ПЗ-20170923121 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли (2017-2019 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

электрон таълим муҳитида педагогик дастурий восита тушунчаси ва унинг таснифини аниқлаш, анъанавий ва инновацион муҳитда буюртмачиларнинг замонавий эҳтиёжлари, амалий дастурларга қўйиладиган талаблар ҳамда соҳадаги шиддатли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, педагогик дастурий воситалар фанининг тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш;

электрон таълим муҳити моделини мобиль технологияларининг оммабоплиги, шахсга йўналтирилганлиги, унда таълим олувчининг мустақиллиги каби хусусиятлари асосида шакллантириш ва MIT App Inventor конструкторида унинг мобиль иловасини ишлаб чиқиш;

педагогик дастурий воситалар фанининг мазмунини (MIT App Inventor (<https://appinventor.mit.edu>), Thinkable (<https://thinkable.com>), Scratch (<https://scratch.mit.edu>) ҳамда электрон таълим муҳитида мобиль технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш;

электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситаларни яратиш ва қўллаш самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштирилган мазмун асосида ўқитиш жараёни бўлиб, унда Тошкент давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти, Фарғона давлат университети талабаларидан жами 416 нафари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** электрон таълим муҳитида бўлажак информатика ўқитувчиларининг педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш шакли, методлари ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда назарий, педагогик-психологик, илмий-методик манбаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил, моделлаштириш (лойиҳалаш), социометрик (анкета, тест, сўровлар, суҳбат, интервью), педагогик

кузатув, педагогик тажриба-синов, математик-статистика каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашда электрон таълим муҳитини яратишнинг концептуал асослари буюртмачиларнинг замонавий эҳтиёжлари, амалий дастурларга қўйиладиган дидактик, методик, психологик, техник, эстетик, эргономик талаблар виртуал лаборатория стендлари ва мультимедиа материалларини қамраб олган дастурий таълим воситаларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

электрон таълим муҳитини инновацион муҳитда оммабоплиги, шахсга йўналтирилганлиги, унда таълим олувчининг мустақил ишлай олиш сифатларини ривожлантиришга асосланган модели ҳамда унинг MIT App Inventor конструкторида мобиль иловаси дидактик жиҳатлари таълим воситалари таснифланишида таълим, муҳит ва улар орасидаги узлуксизлик ва узвийликни ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

педагогик дастурий воситалар фани мазмунининг электрон таълим муҳитида мобиль SMART, Scratch технологиялардан фойдаланиш методикаси дидактик синтез имкониятлари, яъни таълим жараёнида интерактив мулоқот, вақтни назорат қилиш, ахборотни ҳар хил шаклларда тақдим этишга устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак информатика ўқитувчиларини электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситаларни яратиш ва қўллаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари стратегик прогнозлаш репродуктив, вариатив, қисман изланувчан, креатив ва статистик кўрсаткичлардан таҳлилий фойдаланишнинг дидактик, эргономик методик талабларини ўзаро интеграциялаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалардан фойдаланишда мобиль ва smart технологиялари (оммабоплиги, шахсга йўналтирилганлиги, замонавий педагогикада етакчилик қилиши, унда таълим олувчининг мустақиллиги, рақобатбардошлиги) такомиллаштирилган;

“Педагогик дастурий воситалар” ўқув қўлланмаси нашр этилган;

педагогик дастурий воситалар фанининг мобиль иловаси олий таълим муассасалари ўқув жараёнида фойдаланиладиган таълим ресурслари тўплами сифатида шакллантирилган;

электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалар фанини такомиллаштирилган мазмун асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган ва жорий қилинган;

тадқиқот мавзуси юзасидан диссертант томонидан 5 номдаги педагогик дастурий воситалар яратилган, уларга муаллифлик гувоҳномалари олинган ва амалиётга татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашиш ҳамда педагогик дастурий воситалар яратиш ва жорий қилишда мамлакатимиз ҳамда хорижий мамлакатлар олимлари



тадқиқотларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос методлар танланганлиги, респондентлар билан ўтказилган сўровлар, интервьюларнинг, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда информатика ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда олинган натижалар математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Педагогик дастурий воситалар” фанининг мазмуни такомиллаштирилганлиги, уни ўқитиш методикаси ва электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситаларни олий таълим муассасаларига жорий этилганлиги, таълим муассасаларида фойдаланилганлиги ҳамда илмий изланишлар олиб боришда дидактик манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига жорий этиш, ўқув курслари мазмунини, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқув-методик таъминотни, педагогик дастурий воситалар ва мобиль иловаларни яратиш, илғор таълим технологияларини жорий этиш ишларида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

педагогик дастурий воситаларнинг электрон таълим муҳитида информатика таълимида мобиль иловасини яратиш ва ундан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш учун комплекс қўллаш, билим олиш фаолиятининг сифатли бошқарувини ташкил қилиш, ўқитишда янги ахборот технологияларини қўллашга ўқитувчиларнинг тайёргарлиги, ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ижобий мотивацияни шакллантириш каби дидактик шарт-шароитларни аниқлашга оид тавсияларидан ОТ-Ф-1-100-рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 89-03-2835-сонли маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида яратилган “Имконияти чекланган талабаларни масофадан ўқитиш технологияси” номли ўқув-услубий кўрсатма тадқиқот материаллари билан бойитилган;

анъанавий ва электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситаларни жорий қилишда мобиль технологияларининг оммабоплиги, шахсга йўналтирилганлиги, замонавий педагогикада етакчилик қилиши, унда таълим олувчининг мустақиллиги, рақобатбардошлиги каби хусусиятларига оид тавсияларидан И-2011-13-4-рақамли “Тарбиячиларни педагогик фаолиятга тайёрлаш” номли инновацион лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 89-03-2835-сонли маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида

яратилган “Тарбиявий иш технологияси” номли тренинг ҳамда “Таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашув” номли ўқув-услубий кўрсатма материаллари илмий жиҳатдан асосланган;

электрон таълим муҳотида педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш даражалари ва кўрсаткичларига оид таклиф ҳамда хулосалардан “Педагогик дастурий воситалар” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган) ва шу асосда шахсий компьютерлар ҳамда мобиль курилмалар учун мобиль иловалар яратилган, амалиётга жорий этилган. Натижада, бу таклифлар “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналиши талабаларининг ахборот компетентлигини ўстиришда самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар учун давлат интеллектуал мулк агентлигидан 5 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, умумий хулоса, 178 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот ишлари шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Электрон таълим муҳотида педагогик дастурий воситаларни яратиш ва жорий этишнинг назарий асослари**” деб номланиб, унда электрон таълим муҳотида педагогик дастурий воситаларни яратиш ва жорий қилишга доир илмий-педагогик муаммолар ёритилган, педагогик дастурий воситалар ва уларнинг умумий тушунчалари аниқланган.

Электрон таълим талабалар билим олишига йўналтирилган интерактив электрон ўқитиш, географик жойлашуви ва вақтига боғлиқ бўлмаган ҳолда

фаолият юритувчи электрон узатиш муҳити бўлиб интернет ёки рақамли технологиялардан фойдаланишга мўлжалланган инновацион ёндашув ҳисобланади.

Электрон таълим муҳити – таълим жараёни барча иштирокчиларининг самарали ўзаро алоқасини таъминлаш учун дастурий таъминот ва воситалар тўпламига эга АКТ инфратузилмасидир. У компьютер ёки мобиль қурилмалар воситасида рақамли тизим ёки мобиль иловалар орқали онлайн шароитда билимлар олиш ва билимларни назорат қилиш учун хизмат қилади.

Электрон таълим муҳитини яратиш учун қуйидагилар зарур бўлади: контент, технология, технологияларни қўллаб-қувватлаш, инфратузилма ва муассаса. Юқори сифатли электрон таълим муҳитини яратиш учун қуйидаги мутахассислар гуруҳи талаб қилинади: тажрибали профессор-ўқитувчи, дастурчи, мультимедиа мутахассиси, электрон таълим технологиялари ва яхши педагог. Бу ўринда айрим вазифаларнинг бир нечасини битта одам бажариши мумкин.

Электрон таълим муҳитининг шаклланиши ва ривожланиши бир қатор омиллар, жумладан, норматив-ҳуқуқий, технологик, операцион ахборот билан белгиланади. Электрон таълим муҳитининг технологик таркибий қисмлари кўплаб қурилмаларни бирлаштиради: серверлар, компьютерлар ёки ташқи қурилмалар, мобиль қурилмалар, планшетлар, смарт доскалар, дастурий таъминот, электрон дарсликлар ва бошқалар киради. Ягона таълим муҳитида талабаларнинг мобиль қурилмалари смарт доска билан синхронлаштирилади ва интерфаол татбиқда пулт ўрнида ҳам қўлланилади. Бундай таълимда ўқитувчининг планшети ёки мобиль қурилмаси воситасида дарсни ташкил қилиш, ўтказиш, баҳоларни тўлдириш ва натижалар мониторингини олиб бориш мумкин бўлади. Бу эса, ўқитувчига смарт доскалар ҳамда ўзининг турли дастурлари ёрдамида ўқув материалларини, сўров натижаларини ёки талабаларнинг планшетлари экранини намоёйиш этишга имкон беради.

Диссертацияда қатор олимларнинг ишлари ўрганилиб, педагогик дастурий воситаларга берган таърифлари таҳлил қилинди ва улар асосида тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: “педагогик дастурий воситалар ўқитиш ва таълим олишда педагогик функцияларни амалга ошириш учун мослаштирилган дастур бўлиб, таълим олувчи билан ўзаро ҳамкорликдаги кўп қиррали компьютер ва мобиль технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик воситадир”.

Электрон таълим концепциясининг муҳим жиҳатлари, педагогик дастурий воситаларнинг педагогик вазифаларига ва йўналтирилган мақсадига кўра, (компьютер тарбия дастури, компьютер ўқув дастури), таълим дастурий таъминот турлари (машқ қилиш ва амалиёт, қўлланма, симуляция, Authoring Tools, Organizing Tools), электрон ахборот ресурслари ҳаракатланишига кўра, туркумланиши (даражавий жисмоний ҳаракатланиш, веб-сайтнинг тўла харитаси бўйича ҳаракатланиш, контент ичидаги ҳаракатланиш, қидирув шакли орқали ҳаракатланиш, саҳифалар номи бўйича ҳаракатланиш, интернет тармоғи

ёки тизим ичидаги мавзуга оид ҳаракатланиш, фойдаланувчи нуқтаи назари (предмет соҳалари) бўйича ҳаракатланиш, боғлиқ саҳифалар ёки жадвал қисмлари бўйича ҳаракатланиш, теглар бўйича ҳаракатланиш, ўхшашликлар асосидаги ҳаракатланиш), педагогик дастурий воситаларни янги ахборот воситаларидан келиб чиққан таснифи (ўргатувчи дастурий воситалар, ўқув материални ўзлаштириш даражасини назорат қилиш, ахборот-қидирув дастурий тизимлари, имитацион ҳамда моделлаштирувчи дастурий воситалар, намоёниш қилувчи ва ўқув-ўйинли дастурий воситалар, ҳордиқ учун дастурий воситалар), педагогик дастурий воситаларни педагогик вазифаларига кўра, (дидактик мақсадига ва белгиланган вазифасига кўра, ўқув жараёнини бошқариш тамойилларига кўра, ПДВлар мослашувчанликнинг даражаси ва кўриниши бўйича турлари, вазифасига кўра) таснифлари ўрганилди.

Электрон ўқув қўлланманинг функционал тузилмалари таркибий қисмлари (мавзу мазмунини ифодаловчи асосий материал, аниқ навигация тизимига эга ва белгиланган материални ўрганишда олинган назарий билимларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга хизмат қилувчи қўшимча материаллар, асосий материалнинг таянч атамаларини, дизайн элементлари бўлмаган барча график тасвирларни, мураккаб график тасвирларнинг муҳим семантик қисмларини, формулаларни ўз ичига олган тушунтириш матнлари, умумий ҳолда моделлаштириш, маҳкамлаш ва бошқариш қисмларидан ташкил топган ўқув материалларини ассимиляция қилишни ташкил этувчи мослама, навигацион аппарат) ўрганилди.

Педагогик дастурий воситаларни яратишга қўйиладиган дидактик (ўқув материалнинг тузилиши, таркибий ва функционал боғлиқлигига бўлган талаб, ўқитишнинг интерфаолиги ва мослашувчанлиги талаби), методик, психологик, техник (техник хусусиятларга асосланган компьютер дарсликларини баҳолашга келсак, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, замонавий технологиялар, хусусан, нутқни такрорлаш ва аниқлаш тизимлари, интерфаол видеолар ва бошқалар, дастурнинг фақат таълим сифатига кафолат бермайди. Кўпинча, бундай дастурлар соф расмий-услубий ечимга эга, масалан, оптик қурилмалар технологияси асосан мослашувчанликка эмас, балки хотира ва кириш тезлигига боғлиқ), эстетик, эргономик (электрон ўқув қўлланмаси билан ишлашда психологик табиийликнинг таъминланиши, электрон дарслик билан ишлашнинг қулайлигини таъминлаш), навигация тизимига талаблар (яратилган электрон ўқув қўлланмалари ўқувчига интерфаол тартибда ишлаш имкониятини бериш билан бирга, электрон ўқув нашри тузилмаси орқали навигация қулайлиги ва соддалиги асосида тез ва самарали ишлаш шароитини таъминлаши ҳам керак), дизайнига қўйиладиган талаблар (электрон ўқув нашрларининг матнли ахборот дизайнига қўйиладиган талаблар, шрифт дизайни ва матнни қайта ишлаш усуллари бир вақтнинг ўзида матн ҳажмига, ўқишга, фойдаланувчининг ёшига ва кўриш аъзоларининг физиологик хусусиятларига қараб белгиланиши) илмий асослаб берилган.

Педагогик дастурий таъминот яратиш технологиясини ишлаб чиқиш қуйидаги мақсадларни назарда тутаяди: мақсадли ўқув компьютер ва мобиль

дастурларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, сифати ва ишончилигини таъминлаш; билимларни назорат қилишнинг компьютер ва мобиль дастурларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, сифати ва ишончилигини ошириш; барча фан ўқитувчилари учун ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлашган муаллифлик курсларини яратиш учун педагогик дастурий восита яратиш; педагогик дастурий воситалар фанининг мазмунини узлуксиз такомиллаштириш ва замонавийлигини таъминлаш.

Электрон таълим муҳитида ўқитишнинг педагогик дастурий воситаларини самарали қўллашда қўйидаги шарт-шароитлар мавжуд: таълимда анъанавий воситалар билан бирга, педагогик воситаларнинг комплекс қўлланилиши; билим олиш фаолиятининг сифатли бошқарувини ташкил қилиш; ўқитишда замонавий ахборот технологияларини қўллашга ўқитувчиларнинг тайёргарлиги; профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ижобий мотивацияни шакллантириш.

Электрон ўқитиш дарслари ўқувчиларга шахсий таълим мақсадларига эришишда, бу борасида, ўз вазифаларини тўлақонли бажаришда ёрдам бериш учун мўлжалланганлиги И.В.Воронина, Ю.М.Зубарева, А.М.Новиков ва Ф.Х.Ғаффаровларнинг тадқиқотларида ёритилган. Педагогика олий таълим муассасаларининг информатика ўқитиш методикаси таълим йўналишларида ўқитиладиган қатор фанлар мавжуд бўлиб, улар мазмунан талабаларнинг педагогик дастурий воситаларини яратишга оид билимларини такомиллаштиришга қаратилган.

Диссертацияда педагогик дастурий воситалар тушунчаси аниқлаштирилган ҳолда уларнинг электрон таълим муҳитидаги таснифи ишлаб чиқилди. Йўналтирилган мақсадига кўра, ўргатувчи компьютер дастурлари қўллаш жараёнига кўра, дидактик мақсадига кўра, белгиланган вазифасига кўра, ўқув жараёнини бошқариш тамойилларига кўра; мослашувчанликнинг даражаси ва кўриниши бўйича вазифасига кўра ҳам бир нечта турларга бўлинди (турли хусусияти бўйича ҳам яна турларга бўлинади). Шунингдек, инновацион муҳитда педагогик дастурий воситалар ва улар учун электрон таълим ресурслари яратишда қўлланиладиган дастурий воситалар шакллантирилди. Яъни блокли конструкциялаш ва лойиҳалаш муҳитлари, дастурлаш тиллари, амалий дастурий воситалар, турли қобик дастурлар кўринишида тавсиф қилинди. Педагогик дастурий воситаларни яратишга қўйиладиган талабларга оид илмий-педагогик адабиётлар таҳлил қилинди ва шу асосда инновацион муҳитда педагогик дастурий воситаларга қўйиладиган талаблар ҳамда уларнинг таснифи ишлаб чиқилди.

Диссертацияда педагогик дастурий воситалар фанини ўқитишда қўйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди: соҳада бўлаётган шиддатли ўзгаришлар сабабли фан мазмунини доимий янгилаб туриш тақозо қилиниши; тўлақонли ва мукамал педагогик дастурий воситалар яратишнинг мураккаб жараён экани ва унда кўплаб амалий дастурлар ва дастурлаш тилларини билиш талаб қилиниши; фанни ўқитишда малакали профессор-ўқитувчилар етишмаслиги; ўқув адабиётлар таъминотининг пастлиги; мавжуд педагогик дастурий воситалардан

фойдаланиш кўникмасининг етарли даражада шакллантирилмаганлиги; соҳада мавжуд тадқиқотлар натижаларини жорий қилишга эътибор етарли эмаслиги ва ҳоказо.

Диссертациянинг **“Электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалар яратиш ва улардан фойдаланиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида педагогик дастурий воситаларни яратиш, уларни таълим жараёнига жорий этишда мамлакатимиздаги ва хориждаги илмий тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Педагогик дастурий воситаларни яратиш масаласи информатика фани мутахассисларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Маълумки, 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишида педагогик дастурий воситалар номли фан ўқитилади. Ушбу фан мазмуни бугунги куннинг замонавий билимлари билан янгиланган ва қайта ишланган бўлиб, уни янгилашда фаннинг назарий ва амалий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур фанни ўқитиш юқорида айтилганидек, ўқув режасида режалаштирилган информатика, дастурлаш тиллари, компьютер графикаси, web-дизайн, умумий психология ҳамда умумий педагогика фанларида олинган назарий ва амалий билимларга таянади. Педагогик дастурий воситалар фани информатика фани ўқитувчиларига педагогик дастурий воситалар яратишни ўргатишга, яратишда қўлланиладиган дастурий таъминотлардан фойдаланишга яқиндан ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, таълим муассасаларида информатика ва ахборот технологиялари фанларини ўқитиш учун зарур билимларга эга бўлган кадрларни тайёрлаб беришга хизмат қилади. Фаннинг мақсадига эришиш учун талабаларнинг қатор назарий билимлари ва амалий кўникмаларини шакллантириш талаб этилади.

С.А.Бешенков, С.Г.Григорьев, В.В.Гриншкун, С.В.Зенкина, А.А.Кузнецов, Е.И.Машбиц, Е.С.Полат, И.В.Роберт, В.В.Рубцов, А.Л.Семенов, А.Н.Тихоновлар тадқиқотларида таълим самарадорлигини ошириш учун муайян ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари ёритилган. Хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш таълимни замонавий ташкилий шаклини жорий қилиш учун янги имкониятларни очади. Мамлакатимизда А.Абдуқодиров, У.Бегимкулов, М.Э.Мамаражабов, Д.Маматов, Б.Мўминов, С.Турсунов, А.Ҳайитов, У.Юлдашевлар педагогик дастурий воситалар яратиш учун турли фанлар мазмунини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб боришган.

Педагогик дастурий воситалар фани педагогик олий таълим муассасаларининг 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси таълим йўналишларида 6, 7, 8-семестрларида ўқитилади. Фанда ўтилган мавзулар ПДВларни бугунги кунда энг долзарб амалий дастурлар асосида яратиш имконини беради. Бироқ кун сайин турли янги имкониятли дастурий воситаларнинг пайдо бўлиши фойдаланувчилар учун жуда қисқа вақтда янада кўп имкониятли ва қизиқарли педагогик дастурий воситаларни яратишга имкон беради. Бундай ПДВлар яратувчи дастурларнинг қуйидаги турлари мавжуд: Блокли конструкциялаш ва лойиҳалаш муҳитлари, Дастурлаш тиллари, Амалий

дастурий воситалар, Турли қобик дастурлар. Улардан Блокли конструкциялаш ва лойиҳалаш муҳитларига MIT App Inventor, Scratch, Thinkableлар киради.

MIT App Inventor (<http://ai2.appinventor.mit.edu>) – андроид – иловалар ишлаб чиқиш учун визуал муҳит бўлиб, фойдаланувчидан минимал дастурлаш билимларига эга бўлиш талаб қилинади. MIT App Inventor блокли конструкциялаш ва лойиҳалаш муҳити мисолида мобиль иловалар яратишда кўп қўлланиладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги билан танишиб чиқамиз:

MIT App Inventor муҳитида янги лойиҳа яратиш; лойиҳалар рўйхатидаги e\_darslik лойиҳа номлаш; “Дизайнер” – режимда илованинг интерфейсини яратиб олинг.

Тугмани қўйиш учун Интерфейс фойдаланувчи палитрасидаги тугмани сичқонча чап тугмаси ёрдамида экран ўртасидаги мобиль кўрилма ойнасига суриб келинг.

Янги ойна ҳосил қилиш учун менюдан ойна қўшиш тугмаси босинг.

Тугмани танлаган ҳолда блоklar режимига ўтиш ва блоklar ойнасидан Screen1 (1-ойна) ичидаги ойна 1 белгиланг.

Бошқариш блоklar рўйхатидан бошқа ойнани очиш блокни олиб аввалги блок ичига жойланг.

Унинг ичига эса, Матн блоklar тўпламидан матн чизиғи номли блокни жойланг. Бунинг учун менюдаги Screen1 рўйхатини очинг ва ундан 2-ойна (Screen2)ни танланг. 3-ойна (Screen3)га эса Медиа палитрасидан Видео Плеер компонентини қўйинг. 4-ойна (Screen4)га эса Интерфейс пользователя палитрасидан расм компонентини ўрнатинг.

Платформа асосий менюсининг қуриш бандидан илова (компьютерлар учун сақлаш .apk) буйруғини берамиз.

Бу файлни мобиль қурилмага кўчириб ўрнатгандан кейин ундан фойдаланиш мумкин бўлади.

Сиз ўзингиз яратмоқчи бўлган турли мураккаблиқдаги педагогик дастурий воситаларга матн, расм, аудио, видео, анимация ва бошқа информацион объектларни қўйишингиз мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, мобиль қурилмалардан барча талабаларни таълимий мақсадларда самарали фойдаланиш имконини беради.

Ана шу тариқа педагогик дастурий воситалар фанининг мазмуни янги инновацион дастурий воситалар ҳисобига мунтазам равишда кенгайиб ва бойиб боради. Жумладан, фаннинг мазмуни SMART, MIT App Inventor, Scratch технологияларига оид “Scratch технологияси имкониятлари”, “iSpring дастури имкониятлари билан ишлаш”, “Crocodile Chemistry дастурида виртуал лабораториялар билан ишлаш”, “Crocodile Physics дастурида виртуал лабораториялар билан ишлаш”, “Crocodile Technology дастури имкониятлари билан ишлаш”, “Moodle тизимининг интерфаол имкониятлари” мавзулари билан мазмунан бойитилди.

Педагогик адабиётлар таҳлили ностандарт дарсларни бир неча турларга ажратиш имконини беради. Ностандарт дарслар туркумига ўқув ишларини ташкил қилишнинг ёрдамчи, синфдан ташқари ва дарсдан ташқари шакллари


ҳам киритилган. Бу каби дарслар ҳар бир ўқитувчи таълим сифатини оширишга, ўқув жараёнини ҳамма учун қизиқарли ва тушунарли бўлишига, таълим олувчилар ишини дастурий ташкил қилиш орқали билимларни яхши ўзлаштирилишига ҳаракат қилади ва бунга эришади. Ўқув жараёнини ноустандарт (пресс-конференция дарслар, мусобақа дарслар, ҚВЗ типигаги дарслар, маслаҳат дарслар, online технологияларни қўллаган компьютерли дарслар, аукцион дарслар, талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиладиган дарслар, синов дарслари, ижодий ҳисобот дарслари, семинар дарслар ва бошқалар) шаклда ташкил қилиш ғояси, ўтказиш методикаси ноанъанавий ҳисобланиб, ҳар доимги қатъий тузилма ва ўрнатилган иш режимига нисбатан қизиқарлироқ бўлади. Информатика фани бўйича кўплаб ноустандарт машғулотлар ўтказилган ва амалиётга татбиқ этилган. Уларни қўллаш таълимда қуйидаги имкониятларни беради: предмет бўйича билишга оид қизиқишларнинг шаклланиши; дарсда талабалар фаолиятини фаоллаштириш; талабалар томонидан ўқув материалнинг яхши ўзлаштирилиши; ҳар бир талабанинг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш ва ҳоказо.

Инновацион муҳитда ташкил этиладиган ҳар бир дарснинг ўз тузилмаси мавжуд. Ўқув жараёнида ноустандарт дарсларни қўллашда муайян шарт-шароитларга риоя қилиш учун талабаларнинг субъектив фаоллашуви ва ўз-ўзини ривожлантириш ҳолати кузатилади. Ли Кэцяннинг фикрига кўра, “ўзгаришлар янгиликка чорлайди, янгилик эса тараққиётга олиб келади”. Жамият ривожланишининг замонавий даражаси ахборотлаштириш жараёни билан характерланади. Бу жараённинг устувор йўналишларидан бири таълимни ахборотлаштириш ҳисобланади.

Электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалар яратиш методикасига электрон таълим, инновация, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион муҳит, педагогик инновация, педагогнинг инновацион компетентлиги, глобал инновация, таълимда инновацион технологиялар, информатика ва ахборот технологияларида инновацион тушунчалар доирасида ўтказилган таҳлил асосида аниқлик киритилган. Олиб борилган таҳлиллар асосида электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалар яратиш ва жорий қилиш чизмаси қуйидагича ишлаб чиқилди (1-расм).

Электрон таълим муҳитини 3 та асосий қисмга ажратиб қўллаш мумкин: Мустақил таълим; Масофавий таълим; Мобиль қурилмалар тизими. Бунда эса, электрон таълим муҳитида ўқитишнинг инновацион моделлари қуйидагиларни таркиб топади: контекстли ўқитиш; имитацион ўқитиш; муаммоли ўқитиш; модулли ўқитиш; масофавий ўқитиш. Ўз навбатида, ПДВни яратиш инновацион технологиялари эса: амалий дастурлар; дастурлаш тиллари; SMART технологиялар; Scratch технологиялар; мобиль технологиялар; MIT Inventor технологияларига бўлинади. Бу муҳитда яратилган ПДВ қуйидаги кўринишларда бўлади: электрон дарслик; электрон қўлланма; электрон каталог; электрон маълумот ва бошқалар. ПДВларнинг бу турларини жорий қилиш воситалари эса: компьютерлар; ноутбуклар, нетбуклар; мобиль қурилмалар (смартфонлар, планшетлар) ва бошқа замонавий қурилмалар бўла олади.





расм. Электрон таълим муҳитида электрон кўлланмадан фойдаланиш босқичлари

Инновация муҳитда фарқли ва қизиқарли бўлган педагогик дастурий воситалар орқалигина бугунги кун ўқувчиларини жалб қила олиш мумкин. Шундай мақсадларни кўзлаб тадқиқот иши юзасидан инновацион муҳитда бир нечта педагогик дастурий воситалар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, “Педагогик дастурий воситалар” фанидан электрон дарслик ишлаб чиқилган бўлиб, у бакалаврият йўналиши талабаларига “Педагогик дастурий воситалар” фанини ўргатишга мўлжалланган. Компьютерли ўқитиш технологияларининг бугунги кундаги ривожланиш ҳолати учун мос деб бўлмайди. Чунки, информатика ва ахборот технологияларининг тез ривожланиши ва қолаверса, тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб инновацион таълим технологияларининг компьютерли ўқитиш технологиялари турларини бугунги куннинг энг сўнгги технологияларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш талаб этилади. Шу мақсадда инновацион муҳит учун йўриқномалар шакллантирилди. Бу йўриқномада технологиялардан фойдаланган ҳолда бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлаш мазмуни шакллантирилди.


“Педагогик дастурий воситалар” фанини ўқитишда унга тегишли маъруза машғулотларини ўтиб бўлингандан кейин уларни янада мустақамлаш ва компьютерда педагогик дастурий воситаларни қўйилган талаблар асосида лойиҳалаш, яратиш ва улар билан ишлашни ўрганиш мақсадида амалий машғулотлари ажратилган бўлиб уларда ўқитувчи томонидан амалий жиҳатлари экранда кўрсатиб берилади.

Бу ерда яратилган электрон дарсликнинг Амалий иш ва Видео дарс компонентларидан самарали фойдаланган ҳолда педагогик дастурий воситалар яратиш жараёнларининг айнан амалий бажариш мумкин бўлган аввалдан

ёздирилган кетма-кетлик асосидаги алгоритларини томоша қилишлари мумкин. Натижада талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини педагогик дастурий воситалар тузиш орқали билимларини янада бойтадилар.

Маъруза, амалий машғулотлар билан танишиб бўлгандан кейин, энди талабалар билимларни янада мустақамлаш ва компьютерда педагогик дастурий воситаларни қўйилган талаблар асосида лойиҳалаш, яратиш ва улар билан ишлашни ижодий ёндашган ҳолда ўрганиш мақсадида лаборатория машғулотлари ажратилган. Анъанавий лаборатория машғулотлари дарслари ўқитувчи томонидан аввалдан тайёрланган топшириқни талаба томонидан компьютерда бажарилади ва ўқитувчининг ўзи томонидан баҳоланади. Электрон таълимда эса электрон дарсликнинг топшириқ компонентидан фойдаланган ҳолда топшириқларни қадамба-қадам бажариши талаб қилинади.

Электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалардан фойдаланишни яратилган электрон дарслик мисолида фойдаланиш босқичларини куйидаги модель орқали кўриб чиқамиз (2-расм).



**2-расм. Иновацион муҳитда ПДВлар қўллаш модели**

Бу каби имкониятларни берадиган дастурий воситалардан фойдаланиш талабаларда ўқув жараёнига бўлган қизиқишларнинг ортишига, бу эса, ўз навбатида, таълим самарадорлиги ошишига олиб келади.

Электрон таълимда электрон дарсликдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган барча фаолиятлар мустақил таълимни самарали ташкил қилиш учун хизмат қилади. Бироқ электрон дарслик дастурининг мобиль илова кўринишидаги платформа инфратузилмасида ишлаб чиқилганлиги ундан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтишдан (рўйхатдан ўтиш анъанавий дарслардаги давоматни автоматик шаклланишига хизмат қилади) бошлаб токи мавзуларни ўзлаштириб бўлгунга қадар (мавзуларни ўзлаштириб бўлганлиги тест синови орқали аниқланиб, унинг натижаси базада сақланади) бўлган барча жараёнлар анъанавий таълимни ташкил қилиш босқичларини камраб олади. Маъруза

машғулотлари матн (аудио жўрликда) кўринишида тақдим этилиб, уни тўлдириш ва мустаҳкамлаш эса амалий иш, топшириқлар, глоссарий, видео дарслар ва тест синови орқали амалга оширилади. Бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда педагогик дастурий воситалар фанидан тайёрланган электрон дарсликдан аралаш таълимда восита сифатида ва электрон таълимда фойдаланиш бўйича дарс ишланмаларини ишлаб чиқдик.

Педагогик дастурий воситаларни баҳолаш мезонларида электрон ўқув қўлланмаларни баҳолашга доир 10 та мезон, электрон ўқув ресурслари ва демонстрацион материалларни, электрон қўлланма сифатини баҳолаш, комплекс экспертизадан ўтказиш мезонлари ёритилган. Бу каби имкониятларни берадиган дастурий воситалардан фойдаланиш талабаларда ўқув жараёнига бўлган қизиқишларнинг ортишига, бу эса, ўз навбатида, таълим самарадорлигини ошишига олиб келади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишини ташкил қилиш ва уни ўтказиш”** деб номланиб, унда педагогик тажриба-синов ишини ташкил қилиш масалалари ёритилган. Тажриба-синов ишларининг мақсади педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштириш учун “Педагогик дастурий воситалар” фанини ўқитиш натижасида яратилдиган инновацион муҳит педагогик дастурий воситалари ва уларнинг методик таъминотини жорий этиш асосида таълим самарадорлигини аниқлаш, илмий-методик жиҳатдан асослаш ва улардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар берилган.

Тажриба-синов ишларининг белгиланган мақсади қуйидаги вазифаларни ҳал этилиши орқали амалга оширилди: инновацион муҳитда педагогик дастурий воситалардан таълим олувчиларни ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ишланмалар билан таъминлаш ва олий таълим муассасаларида педагогик дастурий воситалардан фойдаланишни ташкил этиш; педагогика олий таълим муассасаларининг 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиш бўйича педагог кадрлар тайёрлаш жараёнида “Педагогик дастурий воситалар” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш; “Педагогик дастурий воситалар” фани бўйича инновацион муҳит имкониятлари ва талаблари асосида яратилган электрон қўлланмани жорий этиш.

